

ВАФО ФАЙЗУЛЛО

ХАБАРСИЗ СЕВИНЧ

Шеърлар

**Тошкент
«Еаувчи» нашриёти»**

Ўз2
Ф 20

Инсон маңбаатлари йилида ёш истеъдодларни қўллаб-қуватлаш мақсадида тайёрланган ушбу китоб Узбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишлиган бўлиб, у Республика Давлат матбуот қўмитаси ташаббуси билан Республика матбаа таъминот улгуржи-воситачи фирмаси ҳомийлигида чоп этилди.

Файзулло, Вафо.

Хабарсиз севинч: Шеърлар.— Т.: Ёзувчи,
.—48б.

Болаликнинг мўъжизали юртида ниманидир унугтганмиз. Уша унугтган нарсамиз ўзлигимизни бир қисми эди. Энди болаликнинг сирли чоғларини согиниб яшаймиз. Шу соғинчсиз кўнглимиз ярим. Шоир Вафо Файзуллонинг шеъртарида ҳам уша маъсум онларга согинч, йўқлов етакчилик қиласди. Ушбу шеърларни ўқиб, йўқотган нарсангизни топгандай бўласиз. Кўнглингизга азиз туйгулар бир муддат бўлса-да, яна ҳамроҳ бўлади, ҳурматли ўқувчи!

Ўз2

4702620202—48
Ф М 362 (04)—97 7—1997

ISBN 5-8255-0262-9

© Вафо Файзулло,
«Ёзувчи» нашриёти, 1997 й.

ДУНЁ

Ҳали овозимни тинглаганинг йўқ,
Менинг сўзларимга зор эмас дунё.
Нега юрагимга солдинг упда чўғ,
Нега хор исмимни чақирар дарё?

Қави тупшунтиргин, англатгин гўзал,
Булбуллари гумроҳ, чумчуги обид.
Нега мен бош урган меҳроблар ўсал,
Турналар арғимчоғи-чиҳона тобут?

Балки шунақа дайдиб, йитиб кетарман,
Чечаклари етим баҳор руҳимнинг..
Балки шомда маъсум гуллар тутарман,
Қон йиғлаб лолалари ўқсик умримнинг.

На бўлса ҳам энди ортга қайтмасман,
Орқалаб дала-қирлар хаёлларини.
Одамларга эса дардим айтмасман,
Оралаб тонг ўпмаган дилдорларини.

ХАБАРСИЗ ЙҮҚЛОВ

Тилининг учида шафақдан
Кўкламга элчидир турналар.
Қалдирғоч падаркуш—азали.
Ҳон кўриб ҳовлиққан сурнайлар.

Бевафо шубҳага ғарқ борлиқ
Рад-бало ҳаётга ташна-зор.
Ҳокиной остида туғ оғриқ,
Чақмоқнинг бодида гунг бозор...

Қучоқлар жинини бўш армон.
Хўнграйди тентираб камалак.
Қароқчи нигоҳлар кўк карвон
Мардона улашиб ишқ, юрак.

Қақшади ғамбода аросат,
Ялпизнинг билаги-доторим.
Орзумнинг руҳида хиёнат,
Мени ос дорингга, баҳорим!...

* * *

Ҳей лолалар,
Баҳор туққан
Бахтили болалар.
Забт этдингиз
Хор кўнглимни,
Дала-тузимни.
Мен тўпори,
Дилда бори—
Аҳли дорман,
Бир мартага нисор этсам сизга сўзимни.

Ҳеч бўлмади,
Ватанимда ватансилик,
Дайди чиқдим.
Бола-чақам хаёлимни шопиради.
Юрагимга умид ўтин,
Кўмири йўқдир,
Жигарларим қишида қорни ёпинади.

Жўраларим—дард жўраси,
Узлатларда
Хижратзада.
Қалдиргочлар уч ой боққан бу бўзимни
Қабрин қазиб
Девонаваш ўзлигимни
Дорда осиб
Чоғланаман супуришга тар тузимни.

Гул кўинглимнинг қиличлари кесган бошим,
Томогимда
Ниши ботган асалари
Ғунғиллайди. Хиргойиси
Емини лошим.
Кимнинг дарди?
Кимнинг гарди?
Ади-бади...

Сиз қозисиз!
Ҳаммасига розидурман.
Ковласам бас,
Овласам бас
Ўз рўзимни.
Ҳали тупроқ...
Ҳали осмон...
Ҳеч нарсамас,
Бир баҳорда енга олсан мен ўзимни...

* * *

Кўнгил—етмагандан ўз тилагига.
Кўнгил—киймагандан ўз куйлагини.

Кўнгил—судралади қон йўлда қози.
Кўнгил—бурдаланган журъатнинг бори.

Кўнгил—моҳнинг, оҳпинг хотира уйи.
Кўнгил—шамс билмаган соҳира пўзал.

Кўнгил—кўнгил-ай, сил-сил...
Кўнгил—л—л—кўн—ма—гил—чил-чил...

* * *

Юрагим қалдирғоч изидан термулган,
Хўжа Баҳоуддин мачити кўзларим.
Баҳорни туққандан ўргилай,
Қуёшнинг овози сўзларим.
Баҳорни туққандан айланай.

Бир қирдир кўнглимнинг оралиги,
Бир даштдир юракнинг майдони.
Олтмиш бир фаслда болалигим,
Орзумга Хўжай Хизэр кайвони.
Олтмиш бир фаслда болалигим.

Сарғайган исёнга келинчак,
Сузилган турнамдир алп келбат,
Бир қишлоқ ошиғи елимдек
Ортидан эргашгаи Мамлакат.
Мен турна ортидан югурдим.

Пешинлар симириб борлиқни,
Хуштаклар нафаси қатагон.
Йитирма уч даррадир ҳордигим
Кўкарган номимга безиён...
Йигирма минг дараадир ёзигим.

Ҳали мен билмаган яра кўп,
Қариган толларнинг илдизи.
Синмаган омочдек кун кўриб,
Дилларни шудгорлар қўбизим...

ХИЗР НАФАСЛАРИ

туркумдан

* * *

Гул қулди—
Мазоримда—
Тугилган кун.

* * *

Ишончнинг бошин эзиб,
Кишаилаб журъатини
Китоблар номусига тегди...

* * *

Уялди беҳаёлардан,
Севинди камсукимлигига...
Нимани топди дунё?

* * *

Ғуссанинг келбатига қара.
Соғ кўрар боғни ғусса.
Яғринида баҳор қабри...

* * *

Туманда ишқи туман,
Гўзалдан гўзал дала—
Гўзалдан гўзал келин...

* * *

Дилдорнинг совчилари—сўқмоқ,
Қизлигига жапоза ўқийди...
Рўмолчаси қисматини тўқийди!

ЯНГИ ҚЎШИҚ

Иили қуён,
Дили дарвиш.
Кули осмон,
Йўли хорпинш.

Одам, адам...

Гули сухан,
Гили ғазо.
Гўри гулхан,
Изи пайдо.

Алам, а-лам...

Чўги шикан,
Ори чўри.
Кўзи кишац,
Сўзи ўгри

Оlam, olam....

Юрти гарқоб,
Эрки парканд.
Фасли сароб,
Бағри тикан.

Кўнгил далам...

Сассиз жарас,
Қасдли водий,
Гурас-гурас
Қийчи қони

Кўклам, кўк-лам.

Умmed ғори,
Ваъдаи хом.
Ўчоқ зори
Пишмади шом...

Бари бир кам,
Бари бир кам...

Озиқ хаёл,
Ёзиқ худой.
Този мисол
Лақилдоқ ой

Лала лум лам,
Лала лум лам...

Бака бум бам,
Бака бум бам...

ТУШУНИКСИЗ ТҮЙФУ

Номус мунча қўрқинчли...
Лапашанглигидан хиёнатни пойлайди,
Турнанинг кўзига қаролмас одам.

Бошқа кўчада ҳавас билан чалишар сурнай...
Бир минг икки юз қадам тонгнинг йўлаги,
Бир минг икки юз қадам шом соладиган пойга.

Кун бўйи туш кўрар нотиқ оёқлар,
Мия югуради ер қаърида, кўк узра.
Ҳамма нарса маънисиз, ўзиям жўмардмас.

Хотирга сигинади севилмагаң хаёллари.
Кўзи боғларни ўмаради, онаси берган туморчаси
Садда меҳр, ҳам ҳазонлар менсимаган қимматли
чақа.

Илгарилаб кетган ҳамма, ҳамма...
Ҳаётнинг йўлларини топишган муттаҳамлар.
Ў дарғасиз кема, осмонга чўйкан кема.

Топади ҳар нарсадан нодонлигига шаъма.
Ўта баҳил, қорни тўйганига ачинади.
Ўта зиқна, дўсти кўнгил сўраса миқ этмайди...

Ўта ҳудбин, пайғамбарни четга суріб оллоҳга
чопади.

Ўта коргар, ҳовлиқиб кунларини совуради...
Номус бунча қўрқинчли...

* * *

Дарё муйилиши...
Күй сўйилиши...
Ўртаниб ўртайди...

Субҳ бўйи,
Раъногул хун уйи,
Кўкариб тутайди...

Кўз ёшнинг томири.
Майсалар ёмгири
Висолни қўмсайди...

Бир гўзал сузилолмай,
Суманини қизғанолмай,
Жимжилогини бутайди...

Булутлар писандсиз эгилар,
Ситора зулғлари узилар,
Бир кесак муччини тусайди...

Сугд эли кўкайи,
Кўклари тўқайи,
Бир юрак сувсайди...

...Сувсайди
Куйсайди, куймайди...
Куй сайли, куй сайли...

A C P O P

Нега ям-яшил қуёш,
Нега қип-қизил осмон?

Нега сап-сариқ куртак,
Нега күк, күм-күк хазон?

Нега қоп-қора наҳор,
Нега оқ, ойдин кечада?

Нега бўёқсиз виждан,
Нега олачипор кўча?

Нега шол рўмол ўраб,
Кўчага чиқмас Ҳасрат?

Нега қўргон қоровули лаб,
Рұҳини юрмас асраб?

Нега ион руҳга кулғат,
Дўстларнинг ғами таскин?

Нега қуради сухбат,
Чўққилар билан мискин?

Нега мен овораман,
Нега жим ухлайди дил?

Нега мен жим бораман,
Заҳрини сочади гул?...

Нега чумчуқлар ҳофиз,
Нега булбуллар соқов?

Нега ҳўнграйди юлдуз,
Нега ганирмас олов?

Нега далалар тунгдир.
Нега бийрондир қўшчи?

Нега турналар мунгдир,
Нега баҳордир қўшиқ?

Нега шонрлар кунда,
Нега кундалар шоир?

* * *

Ёмғир, тилагиигни тила гадодан,
Тупроқ тугиб берсин беғафо тунча.
Кўйлақ кийдирмадим унга поладан,
Ул юртни унутмайман мен ўлгунимча.

Япроқларни ювдинг, олдинда видо,
Саргайган чехразаларниг армони қапча?
Пистоқп аргимоқлар бермайди садо,
Бирор куйганимкан ул қиз деб менча?!

Чанглардан тозаланган тобут хотира,
Кечакундуз ёиган қароқлар булут.
Сўроқсиз келган кунлар тўйка, бодича,
Кари байталлардан тиланарлар сут.

Мен нима гуноҳ қиздим, мен нима савоб,
Улгурмай йиқиламан чоги балчиққа.
Боғларининг этаини қилардим тавоғ,
Ёмғир йиглаёлсан сендай очиқча.

ҲУТ САРИ

Вафо далаларда лопиллайди шом,
Ариқларни музлар ётибди қучиб.
Фурқат базми узун, фузун кўр маром,
Олов рақслари ҳут сари кўчиб.

Сабр суҳбатлари зерикди зардан,
Ақл кўпкариси тушовда тилсим.
Беҳол манзаралар сўроқлар ватан,
Осмон ҳовлиқади, мусаффо қисмим.

Малойиклар лойли тушда чопади,
Муҳаббатни туйган мушуклар мисол.
Туби теншик табассумни қопади,
Зарангзор тупроғида чарх урган хаёл.

Латиф лисонига бермоқдами зеб
Ифор кўчасидан ўтмаган ўлат.
Шифо даррасини кечакундуз еб,
Еллар машқ олади, машшоқа сийрат.

Руҳим, торсиз қолган bemador ruҳим,
Диловар ўтлоқларда яйраса қани.
Ишончидан айри, сиёҳли туйгу,
Лоқайд давраларда излайди маъни.

Шампюд дарахтини йиқади йўриқ,
Осма кўприкларнинг кўзгуси замон.
Далли кенгликларга йиртилган чорик,
Қанот чиқарганинг рост бўлсин ёрон.

Алла айтиб қишини уйғотди наҳот,
Нола қилиб кўкни тўзғитган банди.
Ором қучогида бўл хона салот,
Агар журъатингга топмасаңг жанда...

* * *

Кенгликларга чопиб, топаман анғиз,
Қон билан сугорилган кенгликлар қўнгил.
Орзумдан чекингандим, қолгандим ҳолсиз,
Куртаклади яна, куртаги қўнгил.

Билмадим бунақада қавжироқ дунё,
Адирларнинг ишқи деса-я тўрам.
Ялпизлар элчинг экан, суняним худо,
Борарман ташрифингга ўзимни излаб.

Майсалар чулдирайди, гулдири оҳанг.
Ғамни шодлик билан буғган жаллода.
Ҳаприқар ўзида йўқ армончи воҳа,
Қўлида оч руҳларга аталган бода.

Чопаман, эсламайман қари мазмунни...

* * *

Ҳали куртаклар дарахтнинг қонида эди,
Чақалоқ ғунчалар жонида эди.
Ғулдирадим эслаб Ҳайём бобомни:
«Гул ерга тўкилур, биз бўлурмиз ҳок».

Эшитдими, чайқалиб олди новдалар,
Тикишга тутипди мубор куйлакни.
Гўрида тикка туриб, ҳавозага ёпишди-ку ток.
Ёдимни арралади: «Биз бўлурмиз ҳок.»

Қизариб боғни тутди гуллар гуринги,
Гўзалларни қийнаб, шамол уринди.

Ториққан, диққинафас хонам томи чок,
Қайнаган қонгинамни шопиради: «ҳок».

Мана ниятига етди каромат,
Бузилган кечагина адл иморат.
Гуллар сийратига аза очганинок
Үтил кўрган, ўғил... алаҳлайди «ҳок».

* * *

Воизгўими загизон?
Муаззинчими аzon?
Мартнинг аравасида,
Дарднинг аравасида...

Эсимга тушар бир қиз,
Кўзидан томган юлдуз.
Мартнинг аравасида,
Дарднинг аравасида...

Томдан мўралар пишак,
Суюнчи тутар варрак.
Мартнинг аравасида,
Дарднинг аравасида...

Ерни ёради, тилсим,
Дилни ёради исм
Мартнинг аравасида,
Дарднинг аравасида...

Ўкинади зимистон,
Кетаркан ичади қоп
Мартнинг аравасида,
Дарднинг аравасида...

ҚИШЛОҚИ ШОИР БАХТИ

Қишлоқ армоплари йигилган дўнглик,
Овозалар севар ул қизнинг ҳуснин.
Мендан бўлак яна шайдо тўққиз бек,
Тунларни тебратиб такрорлар исмин.

Тўдабоши бориб турган безори,
Қонаган бурунлар кучига тилхат.
Қўрқитиб олмоқчи бўлар баҳорни,
Севги ҳақиқатининг лунжидаги байт.

Шўхлик кўчасида бири кучукбоз,
Қарогида яшар овул итлари.
Қишлоқ куйларига улар жўровоз
Оқшомлар йўргагин эса йиртади.

Агар тўдабоши бўлса зўравонц,
Ўсиб келаётган юрак чўлига.
Ишонинг, кучуклар эди ҳукмрон,
Ул пари қатновчи қишлоқ йўлига.

Апа, кенгликларда тушди эсимга
Куйлари осмонга ёйилган Чўлпон.
Унинг куйларидан ҳўнграб йиғладим,
Лекин бойлик дея ўлади жаҳон.

Ҳавас ошиқликни олмоқчи сотиб,
Қишлоқнинг тилида айланар армон.
Ўқ йўқми, қўзғалинг, кесаклар отиб,
Бойлик севолмайди, севгиси ёлғон.

Тепаликнинг дарди ошиқ ўпавлон,
Қайралган тишларда кўрмоқлик ҳавас.
Гўзаллик мағрурдир мисоли осмон.
Мактублар йиртилган, ҳеч кимга боқмас.

Биламан, ҳамманигиз бўсага зорениз.
Орзулар тўзони ичра турибман.
Йиллар қаҳратонда қолган баҳорениз,
Мен унинг қалбини ўшиб юрибман.

Майли, қоптирингиз тишлонғич итга,
Мен ҳам ул севгига ахир даҳлдор.
Дўстларим, барибир қолгайсиз четда,
Ўнта дард менини ва битта баҳор.

Ҳаёт шеърларини ёдлаб, юкингап,
Ҳаяжоним қинилоқ ҳуснига овчи.
Менинг томонимдан, менинг ишқимдан
Ҳофиз билан Ҳайём бўлдилар совчи.

Дўстларим, барибир қолгайсиз четда,
Сиз севгап, мен куйган ул эса битта.
Шеър ёздим йўлига, исмидан васфи,
Тайёрман Исодек михлансан бутга.

Унинг қанотидир қинилоқ алвоичи,
Булут овозимда кунлар қувончи.
Менинг томонимдан, менинг ишқимдан
Ҳофиз билан Ҳайём бўлдилар совчи.

* * *

Бу табблар далалардан келади,
Ойдин водий гиёҳлар салтапати.
Бинафшалар сакталигим билади,
Унутаман ҳур кишаним-ҳаётни.

Ғуссаларим сўриб олган исмалоқ,
Чопқилайман, тоққилайман бемадор.
Келса баҳор, ҳаммадан ўзим бойроқ,
Қўй силкийди адирлардан дўсти-ёр.

Ариқ роши ҳулбўйи зиёфати,
Ҳужраларда аёқларни тўнкаргаи.
Ҳизр бобо нафасида тўлғаниб,
Мукар кампир чаккасида қўкарган.

Бор дунёни хуржинимга жойлайман,
Майса Машраб руҳларида қулочим.
Жўраларим, —сизни баҳтга чорлайман,
Дайди, дарвип, девоқалик қувончим...

АСҚАР ҚОСИМ ТУПРОГИДАГИ БИТИКЛАР

Нафасим осилган адирлар,
Кўрмади ҳақиқат дорини.
Бўғзимда ковланган қабрда
Мен кетдим, кутмасдан баҳорни.

Севгимнииг йўргаги, гўр қишилоқ,
Туриага тўлади осмоиниг.
Эслагин, ул қизни, кўк тупроқ,
Мен кетдим, қолдириб армоним.

Чўлпондан диллари куйганлар,
Чўлпонга битарлар қасида.
Куйғаним—саргайиб-суйганим,
Мен кетдим, Чўлпоннииг васлида.

Хўнграманг, соҳибдил дарёлар,
Қаҳрабо алвидо айтаман.
Руҳимда руҳолуд саболар,
Баҳорда баҳордай қайтаман...

* * *

Ақлим саёзина булоққа ўхшар,
Ичиб тугатади бир зумда карвон.
Орзум қайга сигар қўнганда маҳшар?

Кун-тун жилдирайди қўнгилда гумон,
Ишонч шайтонлари боғлар қўлини,
Ўрар маликалар хуник гулини.

Офтоб ханжарига юзма-юз омад,
Ҳасадларга пишиб ҳавас қулади.
Юрагимга кирган ғунча даромад...

Нимжон ҳисларимни мазах қилади,
Тўпоригина тупроқ, қони қўпирган.
Ғамининг лабларидан тишлаб ўпарман...

Бироқ, бари қуроқ, сузиб қўз ёнга,
Битта иқроримдан ҳеч ҳам тонмайман.
Кундада тўнка ишқим арзир чопишга!

Эзилиб-бузилиб чиқарган баҳо—
Англаган англовимни қайрман:
—Мен наво, уммонларга чаво.

Сўнгсиз чоҳ. Туманда олом
Қайтариб ололмайди ҳеч ким
Бичилган қул мисоли ёнади

Мажҳул ҳол, мағлублар тири
Дунёга сут бериб ҳайдалган
Этаги остида гувранар пасл.

Шафакни қазади бир тўнка тўғри
Ўғри ой имлайди сузилиб, ...
Нечундир билмайман, парво ҳ.

Ҳиқилдоқда жоним, жонга ҳиқилдоқ,
Тиқилиб севинчдан ўпкалар ўкинч.
Дийдорга тўймасдан занглайди қилич.

Нима қолар сенда, сабрни-да еч,
Ахир зўриққанилг бари-бари ҳеч.
Балки кеч эмасдир, ҳаммасидан кеч...

* * *

Шоир Тилак Жўрага

Интилиб-интилиб интизор кечдим,
Ииқилиб-суриниб ғуссани ичдим.
Қайғуда изиллаб товланган бўза,
Сузилиб-узилиб топмадим ўзга.
Софиниб-овуниб юртга қарайман,
Қарғасам ўзимни фақат қарғайман.
Чорласам дўсти-ёр хунхори-безор,
Бергани-олгани озорда озор.
Сўқмоқсиз кимсанни йўлга солингиз,
Топгани йўлсизлик, кўзни олингиз.
Қочиблар кетолмай, зорга етолмай,
Булбул қулоғида дафтар тутолмай,
Ютдим-а, дардимни ичимга ютдим,
Минг кузак сарғариб, бир баҳор кутдим.
Фикрсиз эзмалик, зотлар чақади,
Қонимни англовсиз туғлар ёқади.
Оҳанг тилсимига жоним оқади,
Қонимга дам солиб, чангим қоқади...
Сугориб-буғ ёриб, вола экамаш,
Кўнгиллар қирига лола экаман.
Сунбиллар сирига қайрилиб қаранг,
Ағёрдан, дилдордан айрилиб йигланг.
Гунгсираб, мунгсираб, ҳолсиз ўтасиз,
Балки ниманидир англаб етасиз...

* * *

Болалиқ. Рўзгорда қўпди жаңжаллар,
Ота ичди унинг ўсмирилигини.
Қишлоқ. Гап халтаси тўлган япгалар,
Ейдилар дунёниг гар, ғўрлигини
Кўз ёшлар ёздилар:—Одам бўламан.

Болалиқ. Рўзгорда қўпди жаңжаллар,
Она онасиникига йўл олди йиғлаб.
Қишлоқ янги гапни маҳкам чангаллар,
Волидасиз қунлар бўзлади ўкраб:
—Онажон, кетмангиз, одам бўламан.

Болалиқ. Рўзгорда қўпди жаңжаллар.
Тупроқ кўчаларда тентирар кўнгил.
Қишлоқ—устидан хўп кулган япгалар,
Навниҳол зардоли дардкаш бир сингил.
—Ўригим, ишонгии, одам бўламан.

Мунглар эгаллади маъсум чоқларни,
Боғлар ўргаклади ўн бор токларни,
Қорага т гаплар Оқларни,
Болалиқ б, тугади шўхлик,
Фақат т аьюс маъсумлик.
Ҳамон да балом йўллаган,
Шаҳардағ -Одам бўламан!

* * *

Шамол, шонир орауларимни,
Кўзи кўм-кўк дарёда оқсин.
Ишонгани қишиниг майсаси,
Бир кўнгилпинг чироғин ёқсин.

Офтоб, чалгин зангор қўнғироқ,
Зангламаган ҳислар очилди.
Субҳидамда қоқигул мапиноқ,
Димогидан куйлар сочилди.

Шамол, шонир орзуларингни...

* * *

Атиргуллар янги ном,
Лангар ташлаганда шом.

Очилса дилбар дарди,
Қизарган дилбар лаби.

Тиконлари янги том,
Қонаган панжами шом?

Киролмайман комингга,
Чиқолмайман ёнингга...

Атиргуллар янги ном...

ҚИШЛОҚ ТУНИ

Итларининг улишин эшитди итлар,
Осмонни ҳидлашди тўйиб ва тўйиб.
Бедазорда ҳислар отни қитиқлар,
Боғланган ҳаяжон кишинар куйиниб.

Боғнинг уйқусини тинглаб ётган чол,
Кечани шаробдай ичади.
Эзилган болани эзолмас хаёл,
У ой деб тушлардан кечади.

Тим қора кўз билан боқар сукунат,
Туннинг соchlарига, оқ олмаларга.
Ўгри чизиб-йирттар гаройиб сурат,
Бегубор далани қари толлардан...

БОЛАЛИК ХОТИРАСИ

Айв	тағи эшак арава,
Маг	ташриққа сифинган тамом.
Кунч	қиб бўлар девона,
Сигу	ўзи қайнатиб қумғон.

Хизр	йўл йпроқ елдир,
Оти.	занчилган пичоқ.
Дўст	истамай илғар,
Кўнгл	б, очаман қучоқ.

Май	мга кулфат,
Дев	бола.
Тон	бilmас тухмат,
Тошиб	тола.

* * *

Ҳислар қочиб-қочиб улокқан,
Илонларни мурчалар чаққан,
Ҳасратини ким гулдек таққан
Сен соддасан, соддадан содда.

Тугроми бу чайқалар тамоқ,
Нафасингда неча бир ямоқ,
Ҳансирайди қонсираб чақмоқ
Сен бодасан, раббидан бода.

Эгилади танти, бегам лопи,
Кўқдан кўкка тепилади тош,
Бош азалий бошларга бебош—
Мазоратда суқилган хода.

Иланг-билинг ғирчиллар армон,
Баҳор аро юраги самон,
Ишқ кўлмаги мунгли-мунгли қон
Унупотолмай руҳинг озода.

Ўкинмагил, ториқма, гулим,
Қовуштирар бизларни ўлим.
Ғулдирайди боғланган тилим:
—Учрашгунча янги дунёда.

Учиб-учиб учар буйродада...

* * *

Куним ўтди... сабр сафари сароб.
Холам тупроги хирқираб кўкаради...
Боғлар қабрида тентигап худбин рубоб,
Янги келин матҳида керилади.

Бағри очиқ далада тўзгин хаёл,
Ҳавасин боқиб юрар тентак чўпон.
Гулларни ҳамчилайди мангу савол,
Менгами мана шу тупроқ, ана у осмон.

Ёриқ лаблар ўпарлар ҳамал этагини,
Намойишга чиққап лола дарди ҳалол.
Судадир кишацланган маъсум гина,
Мисда, сен кўкламда дайди, увол...

ан ўйнашади думбил ишва.
Чаглаб англанимаган бахтсизлик.
чўмилиб қайтган Ҳутсиз пишак...
раман Сулаймоннинг таҳтида...

ШАҲАРДА

утишади кўчада,
тмай қолган нигоҳлар.
и ҳаддан ғуддайган,
санг, қарғар илоҳдай.

зи ўргатайми, а?
қиб турибсан, гулим?
ит арзимас ғовга,
~~и~~арқонлар етарли ўлим.

Ақли йўқолганми дунёning,
Мижжа қоқмай излайди шиор.

Ризқ улашар ҳоким ҳамёнинг,
Ориятсиз, қисмати бсор.

Пештахтада чалажон дала,
Соғ терига тойрилиб йиқилган.
Марҳум бошоқ—навижувон кулча,
Бекор бўғизларга тиқилган.

Ўгри, безорига қадрдон,
Шапкўр кеча, фақир ваҳима.
Фоҳишага қуюқ ва қалқон,
Дўпнисиз ой, соҳилсиз кема...

Салом кутишади гунгсираб...

ТУШКИИЛИК УМИДЛАРИ

1. Туфлагим келади тақдирга,
Қорилган баҳтсизлик баҳтимга.
Ғанимлар дилимга ҳамсуҳбат,
Мард узлат, дард узлат, ишиқ узлат...

Бу дорининг чириган арқони,
Бу қилич, кўзида осмони...
Инқиллаб судралар, судралар
Кунларми, куйларми, жўралар...

Сотилган, титилган фикрлар,
Қоронги кундузнинг зикрида.
Шунда ҳам негадир мен борман,
Баҳордан баҳорга баҳорман...

2. Наҳот бу кентликлар менга ёт энди,
Азобдан қўрқмоқлик бор фарёд энди.

Ўлдир, қўймалагин дардга зор жаҳон,
Умрим мазмунидан узилди, тинди...

Ўттиз баҳоримда умидларим тул,
Қулларнинг қулигин мендай қулдан сўр.
Магур далалардан ожиздай ўтдим,
Ўзимдан уялиб, ўзимни кутдим.

Ахир бундай ҳаёт арзир нимага?
Чопқилар калласиз кунлар бемаъни.
Таъма, амал, билмам ҳузур нимага?
Саҳрога чўймоқда руҳим кемаси.

Ишиққа етолмасдан барибир севдим.
Бегубор армонни қўшиғим девдим.
Нега бу кўнгилга ботмайди армоп,
Вужуд очилмасдан гул сўлган, бежон.

Юракни тешади ёлгизлик зори,
Соғ тану бўш қалбнинг нисори.
Худойим, кўрсатма бундай тақдирни,
Қатл эт, қатл эт ҳиссиз ақлни...

* * *

Қизил гул барги ионим,
Унут мени армоним.

Мен адо бўлган сасман,
На бир нусха, на касман.

Ўраб-чирмар тушкунлик,
Синган сапол жўшқинлик.

На тарки хоб айлайман,
На бпр шитоб айлайман.

Чак-чак томади ғусса,
Қонимдан лак-лак усма.

Сепи эслатар жоним,
Унут бўлмас армоним...

* * *

Судралиб бораман, дилни ёраман,
Янтоқ тепасида ўқилган азон.
Бошим ғалвахона, тишим остоца,
Дилим сенга етмай талангани карвон.

Хўнграб овораман, тупроқ қораман,
Исмим кўза ясар, кўзёшим чогир.
Мунглардал учимни қачон оламан,
Умрим йигирма еттини ҳатлаган хамир.

Баҳор кетиб қолган, мен девонаман,
Сапол тасаввурда тутмайди илҳом.
Йўлим чашма бўлди, нигоҳим гўша,
Унда кишапланган бўлгуси ором.

* * *

Ўла қолсанг, ўлақол магрур,
Дермишларки, йўл йўқ сен учун.
Дайди итдек кўчада турур,
Пасткашларнинг сенда бор ўчи.

Айт, етдингми, аталган бахтга
Гул дилингнииг ғалсафаси гўр.
Журъатиниги қилмоқчи ахта,
Кўмакчилар кўнглига тупур.

Етим, ёлғиз ҳайрат инграйди,
Ёниб, адо бўлган саволи.
Ўлмас қўйни итлар тинглайди,
Тупроқ бўлди кўкнииг хаёли.

Жилмаясан дорнииг оғзида,
Яшамоқлик қандай машаққат.
Кўимадинг-ку дарднииг озига,
Жонинг олар ғамлар бешафқат.

Ўлақолсанг, ўлақол магрур...

* * *

Пистоқи кўзалардан ҳўпладим Шарқни,
Хушовоз тупроқларнинг имконини ҳам.
Шундан кейин мепга диллар очилди:
«Бизнииг дардимизни унутма, болам».

Узоқ қиши кечалар кампирлар гапдон,
Ҳовлилари эса муинкайган, пастқам.

Йўталларга қўшиб тутдигар илҳом,
Езмасам ўлгайдирман уялишдан ҳам.

Букри сўқмоқларга чиқдим отилиб,
Хўнграб йиғласам-да ёғаверди қор.
Чексиз далаларга кетдим сочилиб,
Бундан бир кун униб чиқмогим-ку бор!

Кўл силкиди ортда тупроқ том кулба,
Кўзгалди содда дилда шодлик ва оғриқ.
Қирлар ҳавосила чиқдимми йўлга,
Шарқдан пайдо бўлди яна бир қўшиқ...

ЗОҲИД

Ёмғирлар ёғмади ёр бўлиб,
Сочлар сузилмади дор бўлиб,
Мен гунгман...

Чимилдиқнииг даричаси қанақа?
Ичида тилсим, паричаси қанақа?
Мен кўрман...

Нигоҳлар ҳам айтмаса-я «кутаман»,
Бу қулоқлар мадрасани ўтаган!
Мен карман...

Лаблар шафақ, чақиради дейдилар,
Ҳам шафақни, ҳам юракни едилар,
Мен очман...

БИР СҮФИЙ ТАСАВВУРИ

Мен Шарқнинг горидурман, горидурман,
Йўқолиб, йўқолмаган оридурман.
Қайга қарамай, тилимдан чўғ учади,
Сўзлар қарзи мазоримни ўлчади.
Дўстлар-да қалбимга туфладилар,
Қон дилим ўртасида ухладилар...
Ўзимдан, сиздан-да уяламан,
Гуноҳ—ман, Оллоҳимга суюнаман.
Суянган суянчиқлар синмадими?
Юртимнинг оҳанглари тинмадими?
Мени ҳеч ким, ҳеч қачон билолмаган,
Мени ҳеч ким, ҳеч қачон билолмагай.
Хаёлни тойчоқ қилиб мен чопаман,
Сиз мени топманг, мен сизни топаман.
Хайратим сўзимни нон айлади,
Еганинг юраги ёр сайлади.
Орази сарғаймаган тил керакдир.
Фурсати қарғалмаган йил керакдир?
Мен Шарқнинг горидурман, зоридурман,
Ҳар субҳ қуёш ёққап қоридурман...

СЕРГЕЙ ЕСЕНИН ХЛЁЛИ

Шеър керакмас, шавкат керакмас,
Шарқ йўлига дардимни айтгум.
Шамолларда яширингаи ҳавас,
Дарёларнинг бетида байтим.
Безорилик кимлар учун ор,
Атадилар мени жанжалкаш.
Жангариидир аслида баҳор,
Мен шоирман, ям-яшил нағас.
Ҳайқиради ҳайрат азонда,
Болаликдир қутлуғ ҳаяжон.
Кўнглим ичра тўлган ҳазонда,

Шеър армондир, армондир Эрон.
Эй куйлари қартанг Осиё,
Шероз менга ярим Рязан.
Жабулқода шеърият худо,
Мен пайгамбар бўлдим ғазалда.
Аямади барибир тақдир,
Нигоҳлардан шеърлар дарбадар.
Ҳаяжонни этдилар қатл,
Йиғлаб қуяга осил Олапар.
Тверескойда байталлар хомуш,
Шеър ейдилар, ичадилар ҳон.
Рязанда ўлмаган Оққуш
Йўлларимга кўз тутар ҳамон...
Шеър керакмас...

АРАФА

Бугун сенинг никонг¹
Сочларингни чўқтирасан сумбулга.
Ҳасадлари ҳавасланган янгалар,
Чимилидиқни созлайдилар кўнглингга.

Бугун сенинг никонг,
Маъшалани кўтаради букри Ор.
«Юрактисанг қўша қарисин ҳўй бали»,
Оқ саллага тунуради ўн хундор.

Бугун сенинг никонг,
Лабларингга ўтиради шафақлар.
Қуёш чиқиб келар чехрангдан,
Кул ичида чўглар бўлса алаҳлар.

¹ Никонг—Никоҳ тўйинг маъносида (*Бухоро тоннларда шундай дейилади.*)

**Бугун сенинг никонг,
Ит нигоҳи тишламаган дудогинг.
Бизнинг бўлса ўлган кунлар беписанд,
Вақти маълум қиёматнинг сўроғи!**

**Бугун сенинг никонг,
Оқ чорсига ўрайдилар ҳали замон.
Хуснингдан хўп дакки егаи акаларинг,
Хурсандлиги теграсида минг хафақон.**

**Бугун сенинг никонг,
Момоларнинг тилаклари гулдор, аброр.
Кайвонининг сўзи ҳукм,
Юракларнинг қаъри эса қатл майдони,
Чоп жаллодинг сари нигор.**

**Бугун сенинг никонг,
Хаёлида йиллаб ўпган умид тоғил.
Таваллолар рақсга тушди диконг-диконг,
Мушук янглиқ язланасан эрта бедил.**

**Бугун сенинг никонг,
Хўрсинади онам сассиз,
Дардларининг куртаги бор.
Чўлғанади
эҳ, қандай зўр,
ваҳ, қандай шўр
Бахтга ғубор, сутга баҳор.**

**Бугун сенинг никонг,
Тинмас рубоб, тинмас ёмғир.
Далаларга йўли ёпиқ,
Булат қўнган дилим сагир,
Қумли кўча қуппа-қуриқ.**

**Бугун сенинг никонг,
Севинади қалби бўшаб қолган онанг,**

**Кимларнингдир нигоҳидан йиқилса-да ерга
дилтаниг.**

**Барибир у мағлуб эмас, ғолиб эрур.
Йигирма йил нариёғидаги тўлғогидан
Ҳаяжонда,
Қабри яқин қолган Наҳанг...**

**Бугун сенинг никонг,
Ош пичогин қайраб келган қассоб маъни—
Ҳам ейланган ўчоқларнинг елкалари.
Касовлардек четда маҳзун,
Қиймаланган МАҚТУБЛАРнинг укалари.
Тонглар оша дили қонаб судралган куй,
Эсладингми бир бор мани?**

**Бугун сенинг никонг,
Майли, эсла, эсламагин нурга овсин,
Қучоғингда мусаффо дард—эрта қулсии,
Қарзларингни айланиб ич, қўнгил билсии.
Юрагимда отмаган тонг отгин, эпди,
Бир ағёрининг қучоғига ботгии, эвди...**

Бугун сенинг никонг...

* * *

**Киприклари еллиғич,
Хаёл паррак орази.
Солланади қирқ хивич
Саваласа арази.**

**Қир йўлида ёр,
Қир бошида дор.**

Чўккандан кўнглим чўккан,
Қабрдек устихоним.
Йигимга қирлар бўккан,
Мунгли-муигли жаҳоним.

Қир овлоги зор,
Қир лоласи хор.

Шипиллар калишчаси,
Соҳиби нозик қаҳдор.
Нигоҳлар талашади—
Дурраси бебаҳт баҳор.

Қир, қишлоқда қор,
Шўр пепона ор...

* * *

Мақсадда мақсадсиз қунларим,
Хилхонам—тўфонли тириклиқ.
Гулхайри, менга боқ, гулхайри.

Файласуғ қайси бир девона,
Аёндир тангрининг тилсими,
Гулхайри, менга боқ, гулхайри.

Кетганча кетмасдан кетаман, ...
Тамугда беҳинитлар жойланган!
Гулхайри, менга боқ, гулхайри.

Ситора дағн этди бувимни,
Саломга келади руҳлари.
Гулхайри, менга боқ, гулхайри.

Бир қозиқ гардида түгёnlар,
Камонга солади замонни...
Гулхайри, менга боқ, гулхайри.

Ҳовлиқдан тойчалар кишишанни
Адирни чўлғайди саврга.
Гулхайри, менга боқ, гулхайри.

Устимдан мириқиб қулдинг, кўл
Нодон гул, мероссиз меросхўр
Гулхайри, менга боқ, гулхайри.

Эзилган раңгли ғам, эзгин шам,
Зардобим сўрилган сўнгги дам...
Гулхайри, менга боқ, гулхайри.

* * *

Ҳали субҳ қайғусида бўзларим бордир менинг,
Ўлмасам марҳум меҳрни изларим бордир менинг.

Иzlаримга исмини берган девона қон иchar,
Қон ичида қонга ғарқ сўзларим бордир менинг.

Қўҳна дард осмонида печа юлдуз дор илар,
Дорга осиқ қайтмаган, рўзларим бордир менинг.

Ботмаса ботгин демасман шилуғарлар комига,
Ям-яшил рафторида кузларим бордир менинг.

Илтижо қилдим чаманга, чамани туркона шавқ,
Ишқи ҳур вафосига кўзларим зордир менинг.

ТУПРОҚНИНГ КҮНГЛИДАГИЛАРИ

1

Сукунатпинг дафтари қизил,
Жилмаяди қийшиқ чеҳралар.
Гунг айиқда хазон уяти,
Шум хотира пиндиқ чиқарган.
Тентирайди чинор томири,
Соқовларни гапга солмоққа.
Мен шонрлик дардидан тўйдим,
Майса билан боғлааб алоқа.
Дашт етимнинг ғўр амакиси,
Жайронларни севиб тунаиди.
Бўйи етган лолақизғолдоқ
Тентак тулдан ўпич сўрайди.
Соғ савдогар, бўлақол тентак,
Ялоқ ишққа бўласан керак.

2

Гала-гала қарға кайвони,
Анжумангоҳ олма дарахти.
Хазонлардек ёқарлар филни,
Тўтиларни шақарлаб шахти.
Силқинади мозор қўллари,
Кўкда турна вақтнинг арвоҳи.
Топталади нигоҳ гуллари,
Ёмгир, ёмгир, кенжা суворий.
Қиши осмонни салқинлатган қиз,
Гуноҳ қила бўлади опа.

Савоб ёғар, эмас раҳматсиз,
Тугилади никоҳсиз лола.
Тишлар қилич, камалак тузоқ,
Булутларнинг марди кашандা.

Қор кишиайди, эрийди тойча,
Кўнгил тутун, кўнгил кишанда.
Кўнгил, кўнгил, ёға қол, кўнгил,
Бир куйган дил, бир бўлар булбул!

3

Таи олмайди руҳни майналар,
Хиргойиси шаккок, ландовур.
Машраб бунда тонгни орқалаб,
Лола эккан, бурдалаб бовур.
Даҳналари очилган гийбат,
Дийдалари зарангдан-зараанг.
Мағлубадир маъсума сийрат,
Кишанида атиргул наъра.
Ўтирамаи, сотилган эрким,
Фоялариниг әмиб сутини.
Қучоқлайман баҳорни текин,
Қалин сўрар дарднинг ўтини.
Қайтиб-қайтиб кўкарап қуёш,
Сапчиб-санчиб эланади моҳ.
Кунда силар бошимни ювош,
Дор тикади йўлимга сегоҳ.

4

Исо ҳам йўқ, Мусо ҳам йўқ кун,
Ҳам Муҳаммад туғилмаган барқ.
Само ерга тўлаб турган хун.
Бу лолалар түғ кўтарган Шарқ.
Қисир сигир меҳроби Мочин.
Адаптирган ўгли Романи...
Ёйди боғлар Суғдда қулочин,
Али Тегининиг қўпди камони.
Кўқрагини керади Турон,
Ўриклариниг гулли қўшини.
Искандар йўқ солганда сурон

Мен боланинг содда қўшиги.
Мен тупроққа келдим чўкиниб,
У ҳаммадан ёшулли, тоза.
У шоирдир, ёзар буғилиб,
Оч руҳларга тутади аза.
Кўнгил бордир, бу кўнгил тупроқ,
Вафо лошисиз, бошсиз устихон.
Кўшиқ тортиқ қиласди тупроқ,
Кўнгил тортиқ қиласди осмон.
Бир пайтлари Бедилжон—бедил,
Йўлда толди ўзни ахтариб.
Шамс савдогар, моҳи қоровул,
Қароқчилар юлдуз тутатқи
Умр, умр, отилган армон,
Ватан қалқон, ҳам Ватан паймон.

* * *

Шеърим—узоқладим онамдан,
Оси гуллар тунғич эркими.
Узоқлатди деҳқон отамдан
Қодирийнинг ҳайрат экини.
Шеърим—Азройилга хабарсиз умрим,
Кўнгли синиқ йўл қарап ажал.
Узоқлади жигар соғипчи,
Эгаллади ўрнини хаижар.
Зиёратга келади шеърим,
Узоқладим ўзим—ўзимдан.
Дунё ирим қилас, прим...
Кўзимда туғилганлар кўзимда.
Туш қўради хаёл, илк севгим,
Қирдэ ойга эдпм парвона.
Қарғадилар, қайтмадим, тиндим,
Кечдим, кечдим, кечдим... девона:

РУҲИМ КЎЧАСИДА

Faғfur Fулом кўчасида турибман,
Луччак шафтолилар қуршаган овул.
Тонглар варрагиди миниб юрибман,
Қуёш саломидан чароғон кўнгил.

Салла ўрамаган ҳовлилар қатор,
Ўиг кўчанинг тилида Мирзо Бедил.
Маяковский кўтарган чап кўча баҳор,
Йиллар юрагидан кўтарилган қўл.

Сўқмоқлар чеҳрасини оралаб хаёл,
Қалбларнинг дўмбираси бепоён атроф.
Наъралар оралиги бизларга висол,
Faғfur Fулом қалбин этмоқчин тавоф.

Вужуд ёнмоқдадир сўз субутида.
Ишққа берилгандан жисмим бедармон.
Хатто етолмадим Шер тобутига,
Уфқларни эзар баҳайбат армон.

Балки ҳеч тухфани эта олмасман,
Карвондан қолиб кетган бўталоқсимон.
Орзиқиб дардларимни қўйбирай, қани
Руҳим кўчасига қулаган осмон...

—Согиниб бизни тушун тентак болажон,
Оғриқ тилагимни кузатди қишлоқ.
Дардим қалъасига бўлурми қалқон,
Тошкент—Faғfur бобом ҳайқирган тупроқ.

Тойларнинг чопқиридек ёнмоқда умр,
Хазонваш ғунчаларга кўнгил қапалак.
Дардларни орқалайди, саралайди шеър,
Қалбим кўчасидан қалблар бедарак...

Faфур Fулом юраги-ла турибман,
Тонглар суҳбатидан қонмай, интизор.
Ўиг кўчанинг тилида Мирзо Бедил,
Маяковский кўтарган чап кўча баҳор.

* * *

Рўйхуш бермайди боғлар,
Қарғаларнинг қарғиши.
Баҳоримни сўрoglар
Хотирамнинг ёз-қиши.

Хатлар ёздим кўзингга,
Ишқ ҳазони биладир.
Йўл ишонди сўзимга,
Гул қўшилиб йиглади.

Мен девона тентираб,
Хаёлинг-ла яшадим.
Юрагингдан жой сўраб,
Юрагимни ғашладим.

Ойдин тунлар исмингни
Моҳ ҳижжалаб ўқиди.
Ўпутдим ўз исмимни,
Булбул ғамим чўқиди.

Дилбар овозинг изсиз,
Изинг ўчди сўқмоқда.
Олисларга қочдим мен,
Менсиз, сенсиз қишлоқдан.

* * *

Дарёлар кўрди дардим,
Дарё мисол оқиб кетдинг.
Менга кўп армон юклаб,
Доғларни тақиб кетдинг.

Ол гулим, сумбил сочим.

Хотирлар ор бўлдилар,
Йигланган, ёнган купим.
Ялнизлар ёр бўлдилар,
Етмагач сенга уним.

Юлдузим, сарви дилим.

Чимилдиқ чоҳи ўлим.
Англамай, англаб бордим.
Сенга баҳт тилаб гулим,
Дилимни гунгга ёрдим.

Сунбилим, соҳиб силим.

Соҳибсиз чопди дунё,
Кимларни топди дунё?
Бегубор ишқимизни,
Ғубор-ла, ёпти дунё...

Оҳ гулим, беоҳ гулим...

ИСМИНГ...

Қирлар янглиқ исминг кўнглимда,
Кўкарғанди, эслайман ёниб.
Чопар әдим кўклам қелғанда,
Қизғалдоққа боғланиб, жоним.
Сочларингни—ялпизни севдим,
Орзиқтирган хушбўй нигоҳи.
Улар мени тушунган эмас,
Тушунади фақат гуноҳни...
Хотирамнинг ханижари исминг,
Қаёқларга тирмашиб борар.
Нега, нега мени сени девдим,
Осилганман ўлгунча дорга.
Кишанлаган исмингнинг сехри,
Кишанлардан қутқаргани бор.
Бошгинамда қуёшнинг меҳри,
Юрагимни эзгилади хор.
Ўпиб исминг ул қизғалдоқлар,
Қувраб-чувраб йўлда толдилар.
Мени судраб сокин овлоққа,
Сени әслаб йиглаб олдилар.
Келар қуплар сўнгсиз хиёнат,
Қўзинг олган кўзларим ўйиб.
Мен хотиредиз, мени зарра бир гард,
Исминг учун ичаман тўйиб...

ХАЁЛИМ

Занглаганга ўхшар хаёлим,
Руҳи чиригандай севгимни.
Қизғалдоқнинг тутди уволи,
Суви қуриганми бўғзимни.

Итларга термулиб тинглайман,
Дайди юрагимнинг куйини.
Беҳуда боламни қийнайман,
Онамнинг жигари куйди-ку.

Кимга керак асл қиёфам,
Асл орзуларим тупроқда.
Сохта марсиялар ҳукмрон,
Истагимни кўчирсан оқقا.

Ҳар тун соchlаримга ёпишган,
Ҳар кун эгмоқ истар раъйимни.
Мени қайси гўрдан топишган,
Бўйнимга минолмаган айбим-эй.

Барибир чархланади хаёлим,
Чархланади ҳақнинг дуоси.
Эрка гулим бўлсин ҳалолим,
Қонимда бандалик даъвоси.

* * *

Жонимга ўт солар қараҳтлик,
Шуурда нимадир занглаган.
Бемордир ҳаяжон—баҳтсизлик,
Пуч маъни барвақтроқ англанган.

Қўҳна куй солади титроққа,
Ғазабин совутар насиба.
Яшагинг келади сиртмоқда,
Ношукр бугуннинг қасдида.

Хазонлар қушлардан юқори.
Севгилгми? Кир кўрпа остида.
Кўлмаклар ҳозвучлаб тўқ қорин,
Борасан инсондан ётсираб.

* * *

Наҳот қиёмат кун кўнгил висоли,
Руҳлар қўйғанида қовушади дард.
Хазон меҳробимда баҳор изҳори,
Мусаффо чеҳрангни юрибди эслаб.

Нега кўм-кўк ислар мени тарқ этди,
Фақат тушларимда йигларман тўйиб.
Чақмоқ чаққаш кулгум бош олиб кетди,
Куйнинг куйган аравасида кетяпман куйиб.

Қуёш азоб юклаб, азоб тўшайди,
Чўккан саждагоҳни тенқилар турна.
Нега бу қаҳратон ёзга ўхшайди,
Одамлардан безган лақиллар гулга...

Йиглолмасман, бироқ ўпай қирларни,
Туйилса ҳам майли байтларим қаҳҳор.
Келгин, очай-сочай сонсиз сирларни,
Сенга айтадиган ғуссам кўп, баҳор.

Адабий-бадиий нашр

Вафо Файзулло

ХАБАРСИЗ СЕВИНЧ

Шеърлар

Мусаввир Ю. Габзалилов

Муҳаррир Ф. Камолова

Расмлар муҳаррири Ю. Габзалилов

Босмахонага берилди 09.06.97. Босишга рухсат 04.07.97
этиди. Ўлчами 70x90^{1/32}. Адабий гарнитура. Юқори босма.
Шартли босма табоги 1,75. Нашр табоги 1,7. Жами 3000
нусха. 99-буортма. Шартнома 31—95. Баҳоси шартнома
асосида.

«Езувчи» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Тошкент, китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент,
Юнусобод даҳаси, Муродов кӯчаси, 1-й.